

**«Шахрисабз вино-ароқ» акциядорлик жамияти**  
**Кузатув кенгаши мажлиси**  
**7-сонли БАЁННОМАСИ**

2016 йил 17 июн

Шахрисабз шаҳри  
Ипак йули кучаси 170-уй, соат 15-00

**Мажлисада катнашганлар:**

З.Якубов	Кузатув кенгаши аъзоси;
Ш.Садиқов	Кузатув кенгаши аъзоси;
Т.Казаков	Кузатув кенгаши аъзоси;
К.Худайбердиев	Кузатув кенгаши аъзоси;
О.Фармонов	Кузатув кенгаши аъзоси.

**Таклиф этилганлар:**

С.Ғуломов	Жамият директори в.б;
Ж.Қодиров	Бош ҳисобчи;
Ш.Исматов	Қимматли қоғозлар бўйича мутахассис.

Кузатув кенгаши аъзоси З.Якубов мажлисада Кузатув кенгаши аъзоларидан 5 киши катнашаётганлигини, кворум 100 фоизни ташкил этганлигини таъкидлаб, мажлис ўтказилиши ваколатли деб ҳисобланишини маълум қилди. Мажлисни очик деб эълон қилинди ва йиғилиш кун тартиби Кузатув кенгаши аъзоси З.З.Якубов томонидан ўқиб эшиттирилди.

**Йиғилиш кун тартиби:**

1. "Шахрисабз вино-ароқ" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раисини сайлаш тўғрисида.
2. "Шахрисабз вино-ароқ" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг вазифалари ва иш тақсимоатлари тўғрисида.
3. "Шахрисабз вино-ароқ" акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2016 йилда олиб борилган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.

1. Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият Кузатув кенгаши аъзоси З.З.Якубов йиғилишни очиб, «Шахрисабз вино-ароқ» акциядорлик жамияти акциядорларининг 17.06.2016 йилдаги навбатдаги умумий йиғилишида жамият кузатув кенгашининг янги таркиби сайланганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига асосан кузатув кенгаши раисини сайлашни таклиф қилди.

Мазкур масала юзасидан жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Садиқов сўзга чиқиб, жамиятда бир неча йиллардан бери кузатув кенгаши раиси булиб З.З.Якубов самарали ишлаб келаётганлиги, ўзининг жамият тўғрисида адолатли ва қонун асосида фикр юритиши, ҳамда ҳар бир масалани Кузатув кенгаши аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда ҳулоса қилиши ва улар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораётганлигини ҳисобга олиб "Шахрисабз вино- ароқ" акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раислигига З.З.Якубов номзодини сайлаш таклифини киритди.

Ушбу таклифни Кузатув кенгаши аъзолари К.Худайбердиев ва Т.Казаковлар ҳам қўллаб қувватладилар.

Мазкур таклиф Кузатув кенгаши аъзолари ўргасида овозга қўйилди.  
Тарафдор-5 киши, Қаршилар-йўқ, Бегарафлар йўқ.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан кузатув кенгаши раиси З.Якубов сўзга чикиб, жамият кузатув кенгаши аъзоларининг янги вазифалари хақида ўз таклифларини билдирди (янги вазифалар тақсимооти тўғрисидаги лойиҳа илова қилинади).

**Мазкур таклиф Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида овозга қўйилди.  
Тарафдор-5 киши, Қаршилар-йўқ, Бетарафлар йўқ.**

Кун тартибидаги **учинчи масала** юзасидан кузатув кенгаши раиси З.Якубов жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан 2015 йилда ўз олдиларига қўйган вазифалари тўлиқ бажарилганлигини улар билан биргаликда жамият бошқарувида кооператив бошқарув принципларига риоя қилганликлари жамият кузатув кенгашининг 2016 йилдаги иш режаларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720 сонли фармони талаблари асосида тадбирлар тақсимланиши хақида айтиб ўтди.

Юқорида кўрсатилган режалар юзасидан жамият кузатув кенгаши аъзолари Ш.Садиков ва О.Фармоновлар ўз мулоҳазаларини билдирган ҳолда ушбу режаларни тасдиқлаш таклифини киритдилар (кузатув кенгаши иш режаси тўғрисидаги жадвал илова қилинади).

**Мазкур режа Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида овозга қўйилди.  
Тарафдор-5 киши, Қаршилар-йўқ, Бетарафлар йўқ.**

Кун тартибидаги кўрилган учта масала муҳокама қилиниб, киритилган таклифларни инобатга олган ҳолда “Шахрисабз вино-ароқ” АЖ кузатув кенгаши аъзолари йиғилиши

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И


1. “Шахрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси этиб Якубов Зоид Закирович сайлансин.
2. “Шахрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг вазифаларини тақсимооти иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. “Шахрисабз вино-ароқ” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоларининг 2016 йилдаги белгиланган иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин


Кузатув кенгаши раиси:

 З.Якубов

Кузатув кенгаши аъзолари:

 Ш.Садиков

 Т.Казаков

 К.Худойбердиев

 О.Фармонов

Йиғилиш котиби:

 Ш.Исмаатов






**“Шахрисабз вино-арок” АЖ**  
**Кузатув кенгашининг**  
**2016 йил 17-июндаги №7 сонли**  
**баённомасига асосан**  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Шахрисабз вино-арок” акциядорлик жамияти**  
**кузатув кенгашининг 2016 йилги**  
**И Ш Р Е Ж А С И**

№	Белгиланган тадбирлар	Ижро мuddати	Бажарилишига масъул
I.	1.Жамиятнинг 2016 йил 2-чорак молиявий иктисодий фаолияти ҳамда бизнес-режасини бажарилиши бўйича ҳисоботини таҳлил қилиш. 2. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини эшитиш ва жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. 3.“Ички аудит хизмати”нинг жамиятни молиявий хўжалик фаолиятини текшириш ва мониторинги тўғрисидаги ҳисоботи.	2016 йил август	З.З.Якубов, кузатув кенгаши аъзолари, жамият ички аудитор хизмати, жамият ижроия органи.
II.	Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил ташкилотни конкурс асосида танлаш.	2016 йил сентябрь	Кузатув кенгаш аъзолари, жамият ижроия органи
III.	Жамиятнинг 2016 йилга белгиланган модернизация ишларини яқунлаш бўйича олиб борилган фаолиятини ўрганиб чиқиш.	2016 йил октябрь	З.З.Якубов, кузатув кенгаш аъзолари, жамият ижроия органи.
IV.	Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган бизнес режа лойиҳасини кўриб чиқиш.	2016 йил ноябрь	З.З.Якубов, кузатув кенгаш аъзолари.
V.	1.Жамиятнинг 2016 йил 3-чоракдаги молиявий иктисодий фаолияти ҳамда бизнес-режасини бажарилиши бўйича ҳисоботи. 2. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини эшитиш ва жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. 3.“Ички аудит хизмати”нинг жамиятни молиявий хўжалик фаолиятини текшириш ва мониторинги тўғрисидаги ҳисоботи.	2016 йил ноябрь	З.З.Якубов, кузатув кенгаш аъзолари, жамият ички аудитор хизмати, жамият ижроия органи.
VI.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.2015 йилдаги ПФ-4720-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб, бажарилиши лозим бўлган асосий тадбирлар жараёни ҳақида жамият директорининг ҳисоботи.	2016 йил декабрь	З.З.Якубов, кузатув кенгаш аъзолари, жамият ижроия органи.
VII.	1.Жамиятнинг 2016 йил молиявий иктисодий фаолияти ҳамда бизнес-режасини бажарилиши бўйича ҳисоботини таҳлил қилиш. 2.Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини эшитиш ва жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш. 3.“Ички аудит хизмати”нинг жамиятни молиявий хўжалик фаолиятини текшириш ва мониторинги тўғрисидаги ҳисоботи.	2017 йил февраль	З.З.Якубов, кузатув кенгаш аъзолари, жамият ички аудитор хизмати, жамият ижроия органи.

1	2	3	4
VIII.	Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаган мустақил ташкилотнинг хулосасини кўриб чиқиш.	2017 йил март	З.З.Якубов, кузатув кенгаш аъзолари, жамият ижроия органи.
IX.	Жамиятнинг 2016 йил молиявий-иқтисодий фаолияти яқунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий ҳисобот йиғилишига тайёргарлик кўриш. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаган мустақил ташкилот томонидан тайёрланган хулосасини умумий йиғилиш ҳукмига ҳавола этиш.	2017 йил апрель	З.З.Якубов, кузатув кенгаш аъзолари, жамият ижроия органи.

**Изоҳ:** Зарурият туғилганда жамият кузатув кенгаши аъзолари тасдиқланган режадан ташқари навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиши мумкин.

 З. З. Якубов  
 М. Содиқов  
 Т. Қозбеков  
 К. Қудойбергенев  
 О. Орасhev